

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТІСОДИЙ ЁНДОШУВИ

Турапов Р.А
и.ф.д., профессор
Муродов Д.Ш

Аннотация: Мақолада: А.Навоий ўз даврининг сиёсий ва иқтисодий акволиния яхшилаш ва прогрессив ислоҳотлар ўтказиш каби ғояларни сурди. Давлатнинг иқтисодий, сиёсий кудратини мустаҳкамлашга, аҳолининг ижтимоий, моддий шароитини яхшилашга, феодал урушларига барҳам берилишига мамлакатда тинчлик урнатилишига ишонган. Навоий Ҳусайн Байкарони шохлар шохи деб атаганилигини кўрсатилган. Навоий шахонинг тарихидаги ролига жуда катта эътибор бериб, мамлакат иқтисодий ахволи шу давлат ҳукмдорининг акл идрокига ва кобилиятига боғлик холат кўрсатилган.

Калит сўзлар: гуманист, идеалист, реалист, ижтимоий-иқтисодий, ватанпарварлик, идеология, прогрессив, ислоҳотлар, ғоялар, баркамоллаштириш, хислатлар, хилология, стратегик.

Алишер Навоий тарихда шоир, гуманист, идеалист ва реалист сифатида ўрин олган. Навоийнинг сифатлари унинг ижтимоий-иқтисодий, фалсафий карашларида яккол кўзга ташланади. Ўз даврининг прогрессив кишиси сифатида гуманистик ва ватанпарварлик карашлари мавжуд бўлган, феодал идеологияси рамкасидан отилиб чиқти. У ўз даврининг сиёсий ва иқтисодий ахволини яхшилаш ва прогрессив ислоҳотлар ўтказиш каби ғояларни илгари сурди. Навоий жамиятдаги тенгизликини йўқотиш, аҳолини моддий ахволини яхшилаш, давлатнинг иқтисодий кудратини баркамоллаштириш учун инсонларда гуманистик ватанпарварлик ҳислатларини ўйготиш лозимлигини эрта тушуниб олди.

Навоийнинг дастлабки ижтимоий-иқтисодий ғоялари шаклланган асари бу 1469 йилда Ҳусайн Байкаронинг таҳтга келишига багишиланиб ёзилган “Хилолия” асаридир. Ҳусайн Байкаронинг таҳтга келишини Навоий зулмат коронғуликни ёритадиган “Хилолия” яъни “уч кунлик” ой билан тенглаштиради. Давлатнинг иқтисодий, сиёсий кудратини мустаҳкамлашга, аҳолининг ижтимоий, моддий шароитини яхшилашга, феодал урушларга барҳам берилишига мамлакатда тинчлик ўрнатилишига ишонган, Навоий Ҳусайн Байкарони шохлар шохи деб мактайди. Аммо Навоий, мақтаси билан бирга муҳим ижтимоий-иқтисодий фикрларни ҳам илгари сўради. Ҳукмдорни мақтаси, бу Навоий томонидан куллаган тактик усул эди. Унинг асосий стратегик мақсади эса давлатнинг иқтисодий, сиёсий шароитини яхшилашга, ягона марказлашган, кудратли мамлакат барпо қилишга караталган эди. Бу аср уша давр учун жуда катта социал аҳамият касб этар эди. Навоий Ҳусайн Байкаронинг таҳтга ўтиришдан, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий, социал-сиёсий

ва маданий-оқартув сохаларида юксак ўзгаришлар амалга оширилишига катта умид боғлади.

Навоий шахснинг тарихдаги ролига жуда катта эътибор бериб, мамлакат иқтисодий аҳволи шу давлат ҳукмдорининг акл идрохиги ва кобилиятига боғлик дейди. Асар давлат ҳукмдори фанларни, айникса иқтисод, тарих, фалсафа ва сиёсий фанларини мукаммал билса, у бошкаратган давлат обод ва бадавлат бўлади, агар тескариси бўлса, давлат кашшок ва хароб булади дейди. Навоий бошсиз, тана бумагани деб, подшосиз мамлакат булмаганидек.

Алишер Навоийнинг феодал ҳукмролиги гуллаб-туркираган даврдаги айтган фикрлари шу бугунги кунимизда мустақил республикамиз ҳукумати ва унинг президенти олиб бораётган окилона дононларча сиёсатига ҳам оҳанг эди.

Хусайн Байкаро ҳукмронлик қилган даврда мамлакатда ниобий ривожланиш кўзга ташланди. Савдо-сотиқ кенгайди, ҳунармандчилик ва деҳкончилик яхши йўлга кўйилди. Ирригацион иншоатлар қурилиши кенгайди. Навоий Марказий Осиё шароити учун ирригацион иншоатларини кенгайтириш иқтисодий ривожланишга олиб келувчи муҳим омилардан биридир дейди. Алишер Навоийнинг бевосита раҳбарлиги остида 70 дан ошиқ каналлар ва ариқлар казилди. Миллий даромаднинг асосий қисмини қишлоқ хўжалигидан етишириладиган ҳосилдан олинадиган даромад ташкил қиласидан эди. Феодал жамиятда ирригация иншоатлари қуришни кенгайтириш ўша давр иқтисодий ривожлантиришга катта таъсир кўрсатар эди. Навоий феодализм даврида асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ерни кенгайтиришга, унинг маҳсулдорлигини оширишга катта эътибор берди.

Навоий бойлики икки йўл билан топиш мумкин дейди. Биринчи йўли: бу ўз меҳнати билан иқтисод килиб бойлик тўплашга Навоий хайриҳолик билдиради. У олинган даромадни ва тўпланган бойлики уч қисмга бўлиб, биринчи қисмини кетган харажатга сарфлаш, иккинчи қисмини яъни ортиқласини аҳолининг ижтимоий манбаатлари учун сарфлашга чақиради. М.1482 йилда ёзилган “Вакфия” асарида Алишер Навоий шахсан ўзининг ерларидан олинган даромаднинг ўз харакатларига етарли қисмини қолдириб, қолган қисмини аҳолининг фойдали меҳнатларига сарфлашга ҳаракат килган. Иккинчи йўли: Бу яъни ўғирлик, таъмагирлик, зўрлик судхўрлик ҳисобига бойлик орттиришга кескин қарши чиқади. Навоий бундай кишилардан нафратланади ва уларни жамият ҳисобига яшаётган ва бойлик орттираётган паразит катламдир деб таърифлайди.

Алишер Навоий ижодининг дурдона асарларидан бири 1500 йил ёзилган “Махбубул-қулуб” асаридир. Ушбу асарда Навоийнинг иқтисодий фикрлари мужассамлашгандир. Навоий бу асарида жамиятни социал табақаларга бўлиб, уларнинг жамиятда тутган ўрнини кўрсатиб беришга ҳаракат қиласиди. Биринчи қисмида кишиларнинг табақаларига ва касбларига характеристика беради. Иккинчи ва учинчи қисмларида яхши феъллар ва ёмон хислатлар тўғрисида.

Навоийнинг фикрича дехқонлар, ҳунармандлар ва чет эл билан алоқаси бор савдогарлар жамиятда муҳим ўрин тутади, моддий неъмат етиширишда, яратишда ва мамлакат бойлигини оширишда асосий роль ўйнайди. А.Навоий дехқон ва унинг ишлаб чиқаришдаги роли тўғрисида қўйидаги фикрларни билдиради.

“Дон сотувчи дехқон ерни ёриш билан ризқ йшлини очувчи”dir. Дехқон яъни иш кучи маҳсулот ишлаб чиқариш учун бевосита ишлаб-чиқариш воситалари билан қўшилиши лозим. Моддий бойлик яратишдаги ишлаб чиқариш воситаларининг ролини навоий қўйидагича эътироф этади.

“Қўши ҳам икки зўр полвон бўлиб, юкига бўйсуниб олдида юради: ишлашда ҳамдам, дехқон уларни суришда ҳудди одам. Дунё ободлиги ҳудди улардан. Ҳар қаён килсалар ҳаракат, халққа ҳам етар овқат ҳам баракат... Демак, дехқон иш кучи, қўши ва хўқизлари ишлаб-чиқариш қуроли,ер меҳнат предмети, ҳамма биргалиқда ишлаб-чиқариш кучини ташкил этади. Навоий ишлаб-чиқариш кучида ҳал қилувчи муҳим омил, элемент бу дехқон, яъни иш кўчидир. Юқорида зикр қилиб ўтилганидек унинг яъни Алишер Навоийнинг фикрича якка киши ҳеч нарса қила олмайди. Киши ишлаб-чиқариш учун бошқа тоифадаги одамлар.. кишилар доим бир бири билан бевосита алоқада бўлишлари керак. М: Дехқонга меҳнат қуроллари зарур бўлса, ҳунармандчилик ва атторлик маҳсулотлари сув билан ҳаводек зарур. Шундай қилиб балиқ сувсиз яшай олмаганидек барча турдаги ишлаб-чиқариш кучлари ҳам бир-бирисиз ривожлана олмайди дейди Навоий...Дехқон ишлаб-чиқариш учун бошқа ишлаб-чиқарувчилар билан ишлаб-чиқариш жараёнида, тақсимотда, айрибошлашда ва истъемолда бирбирлари билан алоқада бўлишлари керак”.

А.Навоий феодализм даврида, феодализм жамиятида дехқон меҳнатининг қандай катта аҳамият касб этишини ва мавжуд жамият дехқон меҳнати устига курилганлигини эътироф этади. Дехқон меҳнатининг маҳсулини нонвой, унфуриш, қўшчи ва ўроқчи машоқчи ва бошқалар орзиқиб кутади. Шу билан бирга дехқон ҳам уларсиз ишлаб-чиқара олмайди. Демак, бу билан Навоий ишлаб-чиқариш муносабатларини эътироф этади. Унинг фикрича хазинадаги мол-дунёнинг манбаи ҳам дехқон меҳнатидир.

Демак Алишер Навоийнинг фикрича дехқон ўз эҳтиёжига зарур булган маҳсулотлардан ҳам кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариб, жамиятнинг ва ундаги ишлаб-чиқариш соҳасида иштирок этмайдиган қисмини тарихда роялист сифатида ўрин қолдирди.

Навоийнинг мана шу фикои кўшимча маҳсулот фақат қишлоқ хўжалигида яратилади деган физиокостлар фикрига мос келади. Навоий қишлоқ хўжалигининг ривожланиши изилакат қудратини оширишда катта аҳамият касб атади дейди.

Бу фикр ўша давр яъни феодализм даври қуллаб-яшнаганинг гуллаб-яшнашининг асосий негизини дехқончилик ишлаб-чиқариши ташкил қилган бир паллада ўта тўғри фикр булибгина колмай тавихий ҳақиқатдир.

А.Навоий камитда мухим табака бўлган савдогарларни икки групга булади:

Биринчи груп: чет эл билан савдо алоқалари олиб борувчи савдогарлар.

Иккинчи груп: мамлакат ичида олиб сотарлар.

Чет эллар билан савдо-сотиқ қилувчи савдогарларга Навоий ижобий карайди ва уларнинг фаолиятига ҳайрихохлик билдиради. Бозолардаги савдогарлар яъни олиб сотарлар эса, ўз манфаатига хизмат қилиб, бошқалар ҳисобига бойийди. Шунинг учун уларнинг турган, битгани мамлакат учун заарadir дейди. Савдогарнинг асосий мақсади фойда олишдир. Бири юз бўлимидан бошида савдо тўла, бўзи шойи бўлимидан кўнглида истак кўп. Бу ерда савдогар Навоийнинг “Хотам тойи” асаридаги ўтин терувчи чолга карама-кариндир. Чол куни билан меҳнат қилиб ўтин теради ва бу ўтинни бозорга олиб бориб пулга сотади. Ўтин пулига эса маҳсулотлар яъни истеъмол маҳсулотлари сотиб олади. Т-П-Т бу жойда товар-пул-товар процессида боради. Ўтинчи чолнинг эйрибошлашдан козлаган мақсади истеъмол қийматдир. Навоийнинг фикрича савдогарнинг сотиб олишдан мақсади қимматроқ сотишдир.

Савдогар бирини юз, юзини минг килмокчи бўлади дейди. Танланган оз пули кўп бўлиб қайтиб келишини истайди, яъни унинг айрибошлашдан кўзлаган мақсади қийматдир, ёки П-Т-П пул-товар-пулдир. Демак Навоийда капиталнинг дастлабки формаларидан бири савдо капитали ҳакида қўйидагиларни ёзади. “Шаҳар олиб сотади хиёнатчи, ўзига фойда ва бошқаларга каҳат истовчи. Унинг фойдаси халққа зиён, арzon олиб, киммат сотмоқ унинг орзуси. Олишда шойини бўз дейди, сотишда бўзини мактаб шойи дейди. МОлини товар ўрнида ўтказа олса тўхтатиб туриш йўқ. Дўконида инсофдан бошқа барча мол мавжуддир...”

Алишер Навоий ишлаб-чиқариш соҳасида бўлмасада ўз аклий ва ижодий меҳнати билан жамият учун керак бўлган табақаларни эъзозлайди. Олимлар, табиблар, шоирлар ва бошқалар жамият учун мухим ва зарур бўлган қатламдир дейди. Навоий мана бу касб әгаларини ўз маъсулиятларини ва бурчаларинисезишига чақиради.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТ:

1. А.Навоий. Асарлар тўплами XIII том.-198 бет.;
2. А.Навоий. Асарлар тўплами XIII том.-199 бет.